Ушбу сонда:
2 ФУҚАРОЛИК НАЗОРАТИ унинг афзаллиги нималарда кўринади?
3 Буюк аждодларимиз ГАДОЙИЙ
4 «Ишонч» бонг уради ОНА ТАБИАТ КЎМАККА МУҲТОЖ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 20 июл, чоршанба № 114 (1955)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПОЛВОНЛАРИМИЗ АМЕРИКАГА БОРАДИ

***Шу йилнинг 22-24 июл кунлари Жанубий Американинг Санта-Доминикан шаҳрида кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади.***

Ана шу чемпионатда жорий йилнинг 16-18 июн кунлари Жиззахда бўлиб ўтган миллий кураш бўйича мамлакат биринчилигида ғолибликни қўлга киритган машҳур Абдулла полвон Тангриев, Давлат полвон Чориев, Шерали полвон Мўминовлар қатнашадиган бўлдилар. Дарвоқе, жаҳон чемпионатига мамлакатимиздан тўрт киши боради. Тўртинчи полвон бухоролик Рамзиддин Саидовдир.

Баҳри уммон ортида ўзбек курашини, Ўзбекистон спортини намойиш этишга чоғланаётган довруқли полвонларимиз айни шу кунларда қаттиқ тайёргарлик кўришаётир.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

***19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2005 йил I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича янги стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг роли ва масъулияти муҳокама қилинди.***

***Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йилнинг 28 январида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида, шунингдек 7 февралда Оқсарой қароргоҳида ҳукумат аъзоларининг янги таркиби иштирокида ўтказилган йиғилишдаги нутқида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини танқидий таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни мустаҳкамлашга, солиқ юкини камайтиришга, солиқларни тўлаш ҳамда ҳисоботларни тақдим этиш тизимини соддалаштиришга, шунингдек молиявий жавобгарликни эркинлаштиришга қаратилган бир қатор муҳим фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мажлис кун тартибини муҳокама қилишда қуйидагилар устувор масалалар этиб белгиланди: ҳукумат олдига қўйилган вазифалар қандай бажарилмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари мазкур масалаларни ҳал этишга нечоғлик масъулият билан ёндашмоқда, бу борада эришилган дастлабки натижалар қандай? Иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида кейинги ойларда қабул қилинган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакети қай тарзда амалга оширилади?

Мажлисда ушбу масалаларни танқидий муҳокама этиш давомида шу нарса қайд этилдики, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича устувор йўналишларнинг изчил амалга оширилиши 2005 йил биринчи ярим йилллигида инфляциянинг мўътадил даражасини, бюджет мутаносиблигини, фаол ташқи савдони, савдо балансида ижобий сальдони таъминлаган ҳолда юқори суръатлардаги иқтисодий ўсиш тенденциясини мустаҳкамлаш имконини берди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,2 фоизни, шу жумладан саноатда - 107,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида - 107,2 фоизни, қурилишда - 103,4 фоизни, чакана товар айланмасида - 108,1 фоизни, пулли хизматлар кўрсатишда - 111,6 фоизни ташкил қилди. Шунингдек бунга инвестицияларнинг 105,4 фоизга ва экспортнинг 116,7 фоизга кўпайганлиги ҳам ёрдам берди. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аҳоли реал даромадларининг ошишини таъминлади.

Ташқи савдо айланмаси 4838,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 16,6 фоизга ўсди. Савдо балансининг ижобий сальдоси 808 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу ўтган йил кўрсаткичларидан анча юқоридир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллиги ўсганлиги туфайли жорий йилнинг январ-июн ойларида давлат бюджетининг даромад қисми ошириб бажарилди.

Кичик бизнес ва хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши сезиларли ошди. Кичик бизнес корхоналари сони 12,7 фоизга кўпайди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 253 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Иқтисодиётда инвестиция фаоллигини ошириш изчил таъминланмоқда, айни бир вақтда капитал қўйилмалар ўтган давр мобайнида ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидаги 2,2 фоиз ўрнига 5,4 фоизга ошди.

Ҳукумат дастурларига мувофиқ уй-жой-коммунал хўжалиги тизимида, уй-жой қурилишида ислоҳотлар бошлаб юборилди, шунингдек енгил саноатни ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришнинг тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда, уларга муайян даражада молиявий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бир қатор муҳим объектлар барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Чунончи, «Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли участкаси, «Когон-Газли» ва «Муборак-Ғаллаорол» магистрал газ қувурлари участкалари, Муборак газни қайта ишлаш заводида янги қурилмалар, саноатнинг турли тармоқларида янги ишлаб чиқаришлар ва шу кабилар ишга туширилди.

Шу билан бирга, мажлисда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, хусусий тадбиркорлик соҳасини амалий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. У давлат бошқаруви органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз равишда аралашувини чеклашни, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришни, солиқ юкини камайтиришни ва рақобат муҳитини ривожлантиришни қатъиян таъминлаши зарур.

Шу муносабат билан ҳукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ўзаро узвий ҳамкорлик қилиши, кичик ва хусусий бизнесни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш, қабул қилинган фармонлар ва қарорларга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан санкцияларни фақат суд томонидан қўлланиш тизимини жорий этишни таъминлаш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги ва жадал чора-тадбирлар кўрилиши зарур бўлган масалалар этиб белгиланди.

Ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларини назорат идораларининг ноқонуний тафтишлари ва текширишларидан халос қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ноқонуний аралашаётган ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини камситаётган шахсларнинг муқаррар жазоланишини талаб этади. Ушбу масалалар бўйича Адлия вазири Б.Мустафоев, Бош прокурор Р.Қодиров, Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиевнинг ахборотлари тингланди.

*(Давоми 3-бетда)*





Қамаши туманидаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхонасида 84 нафар киши ишлайди. Бу ерда асосан ип-калава тайёрланади. Мустақилликнинг 14 йиллиги байрами арафасида корхонада янги цех ишга туширилади. Натижада юз киши доимий иш билан таъминланади.

***Суратларда: ип-калаваловчи Гулбаҳор Тўйчиева корхонанинг пешқадам ёшларидан; корхона цехида.***
**Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар**

## АНДИЖОН: БРИТАНИЯЛИК ЭКСПЕРТНИНГ ҚАРАШЛАРИ

***Жорий йилнинг май ойида Андижонда содир этилган воқеалар хорижий сиёсатшунослар, таҳлилчиларнинг эътиборини тобора кўпроқ тортмоқда. Улар вақт ўтгани сари мазкур ходисалар билан боғлиқ ахборотлар, аниқланган далилларни таҳлил этиб, воқеаларга ўз шахсий муносабатини билдиришга ҳаракат қилмоқда.***

***Бугун биз муштарийлар эътиборига Марказий Осиё муаммолари бўйича таниқли мутахассислардан бири, Лондон университетининг Шарқшунослик институти профессори, Буюк Британиядаги Қироллик халқаро муносабатлар институтининг мухбир аъзоси, Марказий Осиё мамлакатлари тўғрисидаги кўплаб китоблар муаллифи Ширин Акинернинг Андижон воқеалари бўйича тайёрлаган таҳлилий маърузасининг қисқача баёнини ҳавола этмоқдамиз.***

***Олиманинг Марказий Осиё ва Кавказ институти (АҚШ) томонидан яқинда чоп этиладиган маърузасига унинг Андижонга қилган сафари давомида олган таассуротлари, синчиклаб тўплаган фактлари, шунингдек улар асосида чиқарган хулосалари асос бўлган.***

Ширин Акинернинг таъкидлашича, унинг Андижонга келишидан мақсади «жорий йилнинг 13 май куни у ерда нималар рўй берганини билишдан иборат бўлган, чунки оммавий ахборот воситаларининг хабарлари чалкаш ва бир-бирига зид эди». Андижонга келгач, британиялик эксперт воқеалар содир бўлган асосий жойларга, шунингдек шифохонага, қамоқхонага, қабристонга борди ва жамиятнинг турли табақаларига мансуб одамлар билан учрашиш имкониятига эга бўлди.

Ш.Акинер сафар якунлари бўйича чиқарган асосий хулосасини қуйидагича изоҳлайди: «Мен бу ҳаракатлар ижтимоий-иқтисодий сабаблар туфайли юзага келганини тасдиқловчи бирорта ҳам далил тополмадим. Бу хатти-ҳаракатлар кўпроқ сиёсий тусга эга бўлиб, Қирғизистон сценарийси бўйича давлат тўнтаришини амалга оширишнинг бошланғич босқичи сифатида ташкил этилгани эҳтимолга яқинроқдир. Менимча, бунинг учун 13 май, яъни жума кунининг танлангани ҳам бежиз эмас. Чунки шу куни одамлар мачитларда жума намозига тўпланишади. Балки «исёнчилар», биз ўз хатти-ҳаракатларимизни диний туйғулар билан боғласак, халқ бизни қўллаб-қувватлайди, деган хаёлда тақиқланган «Акромийлар» ислом ҳаракатининг аъзоларини қамоқхонадан чиқариб юборгандир. Аслида улар қаттиқ адашган эди. Менинг фикримча, бу можаро ҳокимиятни эгаллаш учун уринишдан бошқа нарса эмас».

Ш.Акинернинг фикрича, «бу тинч аҳоли томонидан ташкил этилган намойиш эмас, балки муайян даражада ҳарбий тайёргарликка эга қуролланган кимсалар уюштирган ҳаракатдир. Ўзбекистон ҳукумати «исёнчилар»дан олиб қўйилган қурол-аслаҳа ва ўқдорилар (200 дан ортиқ автомат, 100 та пистолет ва 230 та граната) тўғрисида батафсил ахборот берди; Қирғизистон ҳукумати ҳам Қирғизистон-Ўзбекистон чегарасидан ўтганларнинг қўлидаги қурол-яроғларни мусодара қилди».

Шу боисдан, эксперт-олиманинг ишончи комилки, «бу ўз-ўзидан бошланган намойиш эмас, балки пухта тайёрланган ҳужумдир. Ҳужум қилганлар профессионал жангарилар бўлгани ва ҳужумлар юқори даражада ташкил этилгани ҳам буни тасдиқлайди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда рўй берган воқеалар тўғрисидаги дастлабки хабарларнинг яшин тезлигида кўплаб ахборот агентликларининг биринчи саҳифаларида пайдо бўлиши ҳам воқеалар мутлақо кутилмаганда юз бермаганлигининг исботидир». Маъруза муаллифи ушбу воқеалардан бир неча ҳафта олдин Лондондалиги пайтида «айрим доиралар Ўзбекистонда нимадир содир бўлиши кераклигини кутиб ўтирганини» ҳис қилганини эслайди.

Британиялик экспертнинг фикрича, «қамоқхонага уюштирилган ҳужум аслида, «Акромийлар» ҳаракати аъзоларини озод этишга қаратилган; шу билан бирга, эҳтимол ҳибсдагилар ҳам «исёнчилар»га қўшилиши тахмин қилинган; бироқ уларнинг бу мақсади ҳам амалга ошмади. Аксинча, улар кўплаб маҳбусларни куч ишлатиш йўли билан қамоқхонани тарк этишга мажбур қилган; лекин маҳбусларнинг деярли ҳаммаси ўз ихтиёри билан ушбу воқеалардан кейин бир-икки кундан сўнг қамоқхонага қайтган».

Ш.Акинернинг маълум қилишича, «исёнчилар»нинг айримлари маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган, аммо кўпчилиги Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан, баъзилари эса Қирғизистон ва эҳтимол, МДҲнинг бошқа давлатларидан келган бўлиши мумкин».

«Исёнчилар»нинг айримларидан хорижий валютада катта миқдорда пул топилгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Қирғизистон ва Ўзбекистонда «бузғунчилик фаолияти» ташқаридан маблағ билан таъминлаб турилишига оид ахборот бир мунча вақт тилдан-тилга ўтиб юрди. Бу нарса асло далил бўла олмайди, албатта. Бироқ билвосита далиллар менга бу ўринда зикр этилган ахборот ҳақиқатдан йироқ эмас, деган тахминга бориш имконини беради», - дейди маъруза муаллифи.

Халқаро доираларнинг Андижон воқеалари бўйича билдирган муносабатига тўхталар экан, «бундай ёндашувлар асосан оммавий ахборот воситаларининг (чет элники - таҳририят изоҳи) содир этилган воқеаларни бегуноҳ, тинч аҳолини атайлаб ўққа тутиш сифатида талқин қилган шов-шувли хабарлари асосида шаклланган. Ушбу маълумотларда «исёнчилар»нинг қуролланганни ва мазкур ҳаракатни ҳарбий операция сифатида режалаштиргани ҳақида лом-мим дейилмаган», деб таъкидлайди Ш.Акинер.

**(Давоми 2-бетда)**

***Мамлакатимизда ўнга яқин уяли алоқа компанияси ва юзлаб АТСлар фаолият кўрсатаётир. Юртдошларимизга сифатли алоқа хизмати кўрсатишда таксафонларнинг ҳам ўз ўрни бор.***

Пойтахтимиздаги «Uzbek taksafoni» қўшма корхонаси ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа давр ичида мазкур корхона томонидан Тошкент шаҳрида 200 га яқин карточкали таксафон ўрнатилди.

## «UZBEK TAKSAFONI» - ҚУЛАЙ ХИЗМАТ ТУРИ

- Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда 40 фоизли чегирмалардан фойдаланиш имкониятини берувчи VIP хизматини ҳам жорий этганмиз, - дейди корхона директори ўринбосари Рустам Орифжонов. - Бунда абонентлар ўз телефон аппаратлари орқали қўшимча пин-кодларни киритмаган ҳолда юқори сифатли алоқадан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, шу йилдан корхона яна бир янги - «Овозли почта» хизматини йўлга қўйди. Алоқа хизматининг бу тури шахсий телефонга эга бўлмаганлар учун жуда қулай. Яъни корхонанинг карточкаси ва телекоммуникацион тизими ёрдамида овозли почта қутисига исталган шахс томонидан қолдирилган овозли ахборотларни қабул қилиш мумкин. Масалан, сиз корхона карточкасига эгасиз. Сиз билан алоқага чиқмоқчи бўлган одам, хоҳ юртимизнинг чекка бир туманидан, хоҳ чет давлатдан бўлсин, рақамингизни териб сизга етказмоқчи бўлган хабарини ёздириб қўяди. Сиз эса истаган вақтда жойлардаги «Uzbek taksafoni» қўшма корхонасининг таксафонлари орқали бу хабарни олишингиз мумкин.

Корхона жамоаси яқин келажакда ушбу карточкалар орқали Интернет хизмати кўрсатишни ҳам режалаштирган.

**(ЎзА)**

## ҒЎЗА ГУЛЛАГАН КУН

***Саратон, ҳаво тандирдек қиздиради. Ҳаммадан ҳам вақти бемаҳал эсадиган гармсел деҳқонни ташвишлантиради. Абдубаннон ака эгат бошидаги ғўза ниҳолларига синчков назар ташлади. Хайрият, тунги суғоришдан сўнг анча жонланибди. Уч кун давом этган жазирама экинни анчайин ҳолсизлантирганди. Унинг кўнглини тоғ қилиб ғўзалар гуллаган кун ҳам қувончли, ҳам ташвишларга бой бўлди. Чунки сал ҳаялланса ҳосил тугунчалари нобуд бўлиши мумкин. Фермер аъзолари ва яқинларини ёнига олиб қатор ораларига ишлов бериш, ниҳолларни суғоришга алоҳида эътибор қаратди. Маҳаллий ўғит шарбат тариқасида берилганлиги ташвишли ҳолнинг олдини олди. Мана ҳозирги кунда ғўза ниҳоллари барқ уриб ривожланиб, ҳосилга ҳосил қўшмоқда.***

Фарғона вилояти Фурқат туманидаги "Патто" фермер хўжалиги шароитида деҳқончилик қилиш, баракали хирмон кўтаришнинг ўзи бўлмайди. Қўшимча агротехник тадбирлар ўтказиш, маҳаллий деҳқонлар тажрибасидан унумли фойдаланиш, сувни тежаш талаб этилади. Боз устига, суяги деҳқончиликда қотган Абдубаннон Жўраевнинг ташкилотчилиги, қатъиятлиги ҳал қилувчи дамларда муҳим рол ўйнамоқда.

Абдубаннон ака ўша кунни сира унутмайди. Куз серёғин келган кезлар. Далада ҳосил мўл. Бироқ, уни саранжомлаб олиш қийин кечарди. Шунда бутун қишлоқ аҳли ёш бригадир ишлаётган жамоага ёрдамга келди. Беш кун деганда заҳматли меҳнат эвазига етиштирилган пахта ҳосили нест-нобуд қилмай йиғиштириб олинди. Шунда устози Мусо ота унга юзланиб шундай деди:

- Кўпчилик ёшлар ўз бахтини негадир узоқ жойлардан кўзлашади. Аслида қўйни-қўнжимиз бахтга тўлиқ. Нега десанг, саховатли еримиз, ажойиб одамларимиз бор. Сени бахт эшигига эгатлар олиб боради, болам!

Бу сўзларнинг маъносини у кейинчалик чуқур англади. Мустақиллик шарофати туфайли тадбиркорликка кенг йўл берилди. Абдубаннон ҳам фермерликни ихтиёр этди. Дастлабки йили "Қўқон" ширкат хўжалиги ҳудудидан 28 гектар ер ажратиб беришди. Ярмида пахта, ярмида эса дон етиштирди. Синов йили ўзини ҳақиқий деҳқон сифатида намойиш эта олди.

Лавҳа

Бу йил у бошлиқ фермер хўжалиги янада қувончли натижани қўлга киритди. Ҳар гектар ердан 60 центнердан юқори навли буғдой йиғиштириб олди. Шартнома режаси ортиғи билан адо этилди. 14 гектар ердан 84 тонна сара дон олиш замирида фидойи меҳнат, омилкорлик ва ҳамжиҳатлик ётади. Фермер хўжалиги раҳбари одамлар ҳақида алоҳида қайғуради. Уларнинг унумли ишлаши, кўнгилли дам олиши, рўзғорининг бут бўлиши ҳақида меҳрибонлик қилади. Сезиб юрибди, сафларига янги қўшилган йигитнинг сўнгги кунларда негадир машқи паст. Мавридини топиб, ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Тахмини тўғри бўлиб чиқди. Йигит янги рўзғор бўлгани учун фарзандининг суннат тўйини ўтказолмай юрган экан. Ёш оилага моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Тўй болага сарполар тайёрланди. Тантана ихчам ва бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказилди. Мана ҳозирги кунда ўша йигит бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишламоқда.

- Ҳамжиҳатлик ва ўзаро талабчанлик бор жойда албатта унум бўлади, - дея фикрини ифодалайди Абдубаннон ака. - Иқтисодий кўрсаткичлар тобора яхшиланиб боряпти. Мўмай даромад ҳисобидан уйлар қуряпмиз, тўйлар қиляпмиз. Кимлардир шахсий машинали бўлди. Йил бошида лизинг асосида янги трактор сотиб олдик. Техника соз бўлса, машаққат оз бўлади. Ғўзаларга бир қаранг, кузакда ҳосил мўл бўлишидан нишона бермоқда. Ниятимиз ҳар гектар ердан 33 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш.

**Х.КИМСАНОВ**

***Фурқат туманида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида белгиланган режалар ортиғи билан бажарилмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳам тобора ривожланиб бормоқда.***

Тумандаги «Ишонч» ҳиссадорлик жамиятига чет эл инвестициясининг жалб қилиниши корхона ривожининг янги босқичини бошлаб берди. Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилгани маҳсулот сифатини оширмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Россия, Туркия, Корея каби давлатларга экспорт қилинаётир.

## АСОСИЙ МАҲСУЛОТ-ЭКСПОРТГА

Корхонада 840 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ўтган йили улар томонидан 4201 тоннадан зиёд калава ип ишлаб чиқарилди. Шундан 1 минг 944 тоннаси хорижга экспорт қилинди. Мамлакатимиздаги истеъмолчиларга эса 2,5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб берилди. Рентабеллик кўзда тутилган 15 фоиз ўрнига 29,6 фоизга етгани корхонанинг иқтисодий имкониятлари юксалиб бораётганидан далолат беради. Жорий йилда яна 5000 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

«Ишонч» ҳиссадорлик жамиятида мустақиллик йилларида чет эллик сармоядорлар билан ишончли ҳамкорлик йўлга қўйилгани, маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини камайтиришга ҳаракат қилинаётгани кўзланган натижани бермоқда. Ишчилар манфаатдорлиги ошмоқда. Бу ерда айни кунларда янги йигирув дастгоҳлари ўрнатиляпти. Ҳиссадорлик жамиятида калава ипдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган.

**(ЎзА)**

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси нафақат тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, бу борадаги тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этишга, балки хусусий секторнинг экспорт потенциалини кенгайтиришда ёрдам кўрсатишга ҳам даъват этилган. Палата раиси А.Шайхов ўз нутқида ушбу муаммоларга ва уларни ҳал этишга доир аниқ таклифларга тўхталди.

Кун тартибидаги масалаларнинг навбатдаги гуруҳи 2005 йилги Инвестиция дастурини амалга оширишга ва мамлакатда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирларига бағишланди.

Сўзга чиққан раҳбарларнинг асосий эътибори илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг юқори самарадорлигини таъминлашга ва хорижий сармояни республика иқтисодиётига жалб этишни кенгайтириш чора-тадбирларига қаратилди.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар жалб этиш жараёнида кредит муассасалари муҳим ўрин тутади. «Асака банк» раиси Ш.Жўраев ушбу ишнинг ҳолати тўғрисида ва иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни анча кенгайтириш бўйича банкнинг таклифлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини кредитлаш ҳажмлари тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда 2005 йилги Инвестиция дастури айрим лойиҳаларини амалга оширишда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш суръатларининг пастлиги учун Иқтисодиёт вазирлиги (С.Ҳасанов), Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (Н.Нажимов), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (О.Раматов) раҳбарларига, Навоий вилояти ҳокимига (Б.Рўзиев), шунингдек тижорат банклари раҳбарларига ҳамда бир қанча лойиҳаларни молиялаштириш бошланиши кечикканлиги учун «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (А.Баҳромов) раҳбарларига қатъий кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда айрим ўқув юртларини қуриш ва фойдаланишга топширишнинг суст суръатлари қайд этилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори А.Каримов ўз нутқида қайд этганидек, бир томондан, тендер савдолари ўтказишда йўл қўйиладиган камчиликлар, иккинчи томондан эса - қурилиш жараёни қатнашчилари томонидан ишларнинг етарлича самарали ташкил этилмаслиги, қурилиш қоидаларининг бузилиши ва қурилиш-монтаж ишларининг паст сифати бунинг сабаби ҳисобланади.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги фаолияти кескин танқид қилинди. Уларга қурилаётган ва реконструкция қилинаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни ўз вақтида ва сифатли фойдаланишга топшириш, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бўшаштириб юборилганлиги ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қуриш ва уларни реконструкция қилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилиши учун шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда 2005 йилги Хусусийлаштириш дастурини ўз вақтида амалга оширишга нималар тўсқинлик қилаётганлиги ҳақидаги масала кескин қилиб қўйилди. Ушбу масала бўйича Давлат мулкини бошқариш қўмитаси раиси М.Асқаров ҳисобот берди. Муҳокама давомида йўл қўйилган камчиликлар туфайли ҳисобот даврида ҳаммаси бўлиб 321 объект сотилганлиги қайд этилди. Жиззах, Сурхондарё вилоятларида, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси (М.Худоёров), «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси (М.Абдуллаев), «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси (Р.Матчонов) тизимларида объектларни хусусийлаштириш топшириғи бажарилмади. Кўрсатиб ўтилган идоралар раҳбарларига ушбу камчиликларни бартараф этиш ва дастурни 2005 йил охиригача сўзсиз бажариш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Кун тартибининг якунловчи масаласи бошоқли дон экинларидан бўшаётган ерларни ўз вақтида шудгор қилиш ва 2005 йил пахта ҳосили учун ғўзаларни сифатли ўстириш бўйича комплекс агротехник тадбирларни ҳамда ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишни таъминлаш юзасидан ташкилий чора-тадбирларга бағишланди.

Аграр секторни ислоҳ қилиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 7,2 фоизга ўсишини таъминлади. Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиштириб олинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Й.Тожибоев ва Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Барноев агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар ҳамда улар учун қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги ҳақида тўхталдилар.

«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» холдинг компанияси раиси Р.Матчонов, «Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси Д.Солиҳбоев ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раиси Ғ.Иброҳимовнинг ҳисоботлари қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишда самарадорликнинг паст бўлиши сабабларига ва машина-трактор паркларининг узлуксиз ишлашини ташкил этиш учун уларни эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаш муаммоларига ҳамда республика фермер хўжаликларига ўз вақтида ва сифатли сервис хизмати кўрсатиш чора-тадбирларига бағишланди.

Молия вазири С.Раҳимов, «Пахта-банк» бошқаруви раиси А.Боймуродов ва «Ғалла-банк» бошқаруви раиси И.Ўринбоевнинг ҳисоботлари давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз вақтида молиялаштириш ва кредит беришнинг жорий этилган тизими самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Муҳокама давомида вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг асосий эътибори қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини изчил чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини таъминлашга, ерларни шудгорлашни тугаллаш, 2005 йил пахта ҳосили учун ғўзаларни ўстириш ва ҳосилни йиғиштириб олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## Спорт оламида

*Бокс*

### КУБАЛИКЛАР МАҒЛУБ ЭТИЛДИ

Россия пойтахти Москвада бокс бўйича жаҳон кубоги мусобақалари якунига етди. Мусобақада россиялик боксчилар зафар қучишди. Гуруҳ баҳсларида Белорусь ва АҚШ «чарм қўлқоп» усталари барча вазн тоифасида мағлуб этилди. Ярим финал баҳсларида эса озарбайжонлик боксчилардан устун келинди. Мазкур 33 жангда зафар қучган россияликлар Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олишди.

Шундай қилиб, мезбонлар финал учрашувида кубалик боксчилар билан баҳс юритишди. Дастлабки уч вазнда кубаликлар олдинга чиқиб олдилар. Лекин россиялик боксчилар қолган учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, кетма-кет ғалаба қозонишди ва жаҳон кубогини қўлга киритдилар. Шунингдек, ғолиб жамоага 120 минг АҚШ доллари мукофот ҳам топширилди.

*Шоҳмот*

### НАЙДИЧ - ТУРНИР ҒОЛИБИ

Германиянинг Дортмунд шаҳрида бир ҳафта давом этган кучли шоҳмотчилар турнирининг 9-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда россиялик Пётр Свидлер германиялик Аркадий Найдич билан дурангга имзо чекди. Яна бир россиялик гроссмейстер Владимир Крамник эса франциялик шоҳмотчи Этьенн Бакрога ютқазиб қўйди. Натижада Аркадий Найдич турнирда биринчи ўринга чиқиб олди. Кейинги ўринларни эса Люк ван Вели ва Владимир Крамник эгаллади.

*Енгил атлетика*

### ЕЛЕНА РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Лангарга таяниб баландликка сакраш бўйича жаҳон рекордчиси Елена Исинбаева Мадрид шаҳрида ўтказилган Гран При мусобақаларида аввалги натижасини янгилади — 4 метр 95 сантиметр. Бу билан у ўз рақибаларидан ярим метрга илгарилаб кетди. Мадридда Елена Исинбаевадан ташқари россиялик спортчилар Ольга Егорова 1500 метр масофага югуришда ва Татьяна Котова узунликка сакрашда ғолиб чиқдилар, деб хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

*Теннис*

### ДЕВИС КУБОГИ: ФИНАЛДА РОССИЯ ВА ХОРВАТИЯ

Девис кубоги мусобақаларининг ярим финалида россиялик теннисчилар анча кучли ҳисобланган Франция терма жамоаси билан баҳс юритдилар ва 4:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Энди улар 17-18 сентябрда бўлиб ўтадиган финал учрашувида хорватияликларга қарши кортга чиқишади.

*Футбол*

### КОРЕЯДА ЙИРИК ТУРНИР

Жанубий Кореяда футбол бўйича йирик халқаро турнир бошланди. Унда 8 жамоа иштирок этмоқда: «Тоттенхэм Хотспур», «Лион», ПСВ Эйндховен, «Реал Сосьедад», «Бока Хуниорс», «Уанс Каллас», «Меймлоди Сандаунс», «Сеонгнам Илва». Турнир 24-июлгача давом этади. Жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритадилар. Ғолиб жамоа катта миқдордаги мукофотни қўлга киритади.

**Т.ЮСУПОВ тайёрлади**





*Қуйи Чирчиқ туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалиги аъзолари эрта баҳорда 500 гектар майдонга серҳосил с-6524 навли уруғ экишганди. Айни пайтда хўжаликнинг мавжуд пахта майдонларидаги ғўзалар киши кўзини қувнатади. Боиси, барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилганлиги ғўзаларнинг тез ва барвақт ривожланишини таъминлади. Гектаридан 25-30 центнердан ҳосил кўтаришни кўзлаётган деҳқонлар айни пайтда чеканка ишларини бошлаб юбордилар.*

**Суратда: хўжалик аъзолари пахта даласида.**

### ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

***Бухородаги «Мулоқот» вилоят ўқув марказида ўтказилган учрашувда шаҳар хусусий мулкдорлар ширкатининг фаолияти муҳокама қилинди.***

*Учрашувни Бухоро шаҳар хусусий мулкдорлар ширкати уюшмаси ва Тошкент шаҳридаги Урбан институти ташкил этди.*

*Бухоро шаҳар хусусий мулкдорлар ширкати раҳбари Ш. Азимовнинг таъкидлашича, ҳозирда қиш мавсумига тайёргарлик кўрилмоқда. «Мулоқот» ўқув маркази эса Тошкентдаги Урбан институти кўмагида ўқув семинарлари ўтказмоқда. Бу машғулотларда соҳа раҳбарлари ўз фаолиятларини режалаштиришни, меъёрий ҳужжатларни юритишни ўрганишмоқда.*

### ТОҒ ҲАВОСИ

***Бўстонлиқ туманининг Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Мустаҳкам оила — қудратли Ватан» мавзуидаги анъанавий болалар фестивалининг иккинчи босқичи ўтказилди.***

*Маълумки, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан болаларнинг ёзги таътил даврида турли мусобақалар ва фестиваллар ўтказиш анъанага айланган. Навбатдаги болалар фестивали ҳам тоғ ён бағирларида жойлашган оромгоҳларда дам олаётган болаларнинг мактабдан узоқлашмаган ҳолда ҳордиқ чиқаришлари ва турли спорт машғулотлари билан мунтазам шуғулланишлари мақсадида ташкил этилди.*

## Буюк аждодларимиз

# ГАДОИЙ

***Гадоий Атойи, Саккокий, Лутфий каби туркий тилда қалам тебратиб, унинг адабий мақомини тайин этишга ўз ҳиссасини қўшган ва Алишер Навоийдек буюк сўз устасининг майдонга чиқишига замин ҳозирлаган шоирлар жумласидандир. Унинг ўзбек адабиёти тарихидаги буюк хизматлари худди шу билан белгиланади.***

XV аср ўзбек адабиётининг истеъдодли намояндаларидан бўлган Мавлоно Гадоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида деярли маълумотлар сақланиб қолмаган. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Навоий шоир ижодига юксак баҳо беради: «Мавлоно Гадоий – туркийгўйдур, балки машоҳир (машҳурлар Э.О.) диндур. Бобур Мирзо замонида шеъри шуҳрат тутти. Бир навъи айтур ва унинг машҳур матлаъларидин бири будурким:

**Оҳким, девона кўнглум**
**мубтало бўлди яна,**
**Бу кўнгулнинг илкидин жонга**
**бало бўлди яна.**

Мавлононинг ёши тўқсондин ўтубдур. Бу матлаъ анингдурким:

**Дилрабо, сенсиз тириклик бир балои жон эмиш –**
**Ким, анинг дарди қошида юз ўлум ҳайрон эмиш».**

Навоийнинг ушбу маълумотига асосланиб, таниқли олима Суйима Ғаниева Гадоийнинг туғилган йилини 1403-1404 йиллар деб белгилаш мумкин, деган фикрни илгари суради. Чунки «Мажолис ун-нафоис» 1490—1491 йилларда яратилган.

Катта истеъдод эгаси бўлган Гадоий мероси бизга анча кеч, ўтган асрнинг 60-йилларида маълум бўлди. Бунга сабаб шоир девонининг топилмаганлиги эди. 1961 йили турк олими Экмани томонидан шоирнинг 50 та шеъри Истанбулда эълон қилинади. Шундан кейин ўзбек матбуотида Суйима Ғаниева, Эргаш Рустамов, Эркин Аҳмадхўжаевларнинг Гадоий ҳақидаги мақолалари босилади. Шу нашр асосида шоир шеърлари сўз боши билан чоп қилинади. Ниҳоят, 1973 йили Париж қўлёзмаси асосида Гадоий девони босилиб чиқади. 1988 йили «Ўзбек адабиёти бўстони» сериясида нашр этилган «Ҳаёт васфи» тўпламида шоирнинг ҳозиргача топилган барча асарлари тўлиқ босилди. Улар 230 ғазал, 1 қасида, 1 мустазод ва 5 тўртликдан иборат бўлиб, умумий ҳажми 2974 мисрани ташкил этади.

Мумтоз адабиётда ҳаётдан, замондан, одамлардан шикоят оҳанглари кўпинча маъшуқа ва рақибдан шикоят оҳанглари билан қўшилиб кетган. Таъбир жоиз бўлса, шарқ мумтоз шеъриятида маъшуқа – Оллоҳ, рақиб – дунё, ошиқ – инсон тимсоли бўлиб келади. Шунга мувофиқ, маъшуқа мудом таъриф-тавсиф қилинади, рақиб, аксинча, мазаммат этилади, ошиқнинг насибаси эса ранжу изтироб, қайғу-алам, умид-илтижо... Айни жиҳатдан текширганда, Гадоий ижодида шикоят мотивлари авж пардаларда куйланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга, очиқдан-очиқ шикоят оҳанглари ҳам учрайди:

**Дарди ҳолин айта билмас, найласун мискин кўнгул,**
**Чун топилмайдур жаҳонда бир мувофиқ ҳамдаме...**
**Айтур эрди дардини охир даминда бу Гадо,**
**Эй дариғоким, топилмас бир яроқлик маҳраме.**

Гадоий шеърияти ниҳоятда халқчиллиги, турконалиги билан алоҳида ажралиб туради. У халқона сўз ва иборалар, образли ифодалар, лутфлар, мақол-маталлардан маҳорат билан фойдаланади. Қадимги ўзбек сўзларининг кўп ишлатилиши жиҳатидан у Атойи, Саккокий, Лутфий каби замондошларидан ҳам устун туради. Масалан, кўз учи билан қараш, сувсаш – ўзбек халқининг энг фаол образли ибораларидан ҳисобланади. Шоир ғазалларида бундай сўз ва ибораларга кўп дуч келамиз:

**Боқмас дағи кўнгулга қошинг бир кўз учидин,**
**Нетти, не бўлди, ҳар неча олижаноб эрур.**
**Асру сувсабтур менум қонумға жаллоди фалак,**
**Ой юзунг кўргунча билмоким, амол бўлғайму, оҳ?**

Бировни соғинганда, халқ кўпинча кўзимдан ўтдинг, кўзимдан учдинг, дейди. Мана бу байт шу асосга қурилган:

**Соғинмаки, муштоқ эмон, эй тойири қудсий,**
**Кўзумдин учарсен, нетайин, йўқ пару болим.**

Халқ ичида жин чалган, ақлу ҳушини пари олган сингари образли иборалар ҳам кўп учрайди. Пари билан боғлиқ халқ қарашлари Атойининг «Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур» мисраси билан бошланадиган машҳур ғазалида ўзининг гўзал бадиий талқинини топгани маълум. Бу мавзудаги байтлар Гадоий ғазалларида ҳам кўп:

**Не жавр эрур, таолаллаҳким, ушбу хаста кўнглумни**
**Фусуну сеҳр ила олиб, пари янглиғ ниҳон бўлди.**

Маълумки, беморнинг табъи нозик бўлади, ҳар хил тансиқ нарсаларни сўрайди. Унинг хоҳишини имкон қадар муҳайё этиш – одат. Халқимизнинг бу одатидан шоир ўз бадиий мақсади йўлида фойдаланади – ишқ дардидан мен ҳам хастаман, бинобарин, менинг ҳам орзумни ижобат этинглар, менинг орзум эса – маъшуқанинг ширин лаби, дейди:

**Расм эрур бемора бермак ҳар не кўнгли орзулар,**
**Хаста кўнглумга эрур ул лаъли шакарбор орзу.**

Шоир ўз фикрларини тасдиқлаш ёки кучайтириш учун шеърларида халқ мақол-маталлари, машҳур ҳикматли сўзлар, эл ичида юрган образли ибораларга ҳам кўп мурожаат қилади. Бу мумтоз адабиётшуносликда ирсоли масал санъати дейилади. Чунончи:

**Қошу кўзунгдин шикоят қилсам, айтур кипрукунг:**
**«Айб эмастур бир-бир устинда келур, келса бало».**
**Ҳусн давронин ғанимат тут, вафо қил ошиқа,**
**Эй бегимким, кўз юмуб очқунча бу даврон кечар.**

Мумтоз шеъриятда шоирнинг маҳорати унинг бадиий санъатлардан қанчалик фойдаланишига қараб баҳоланиши маълум. Етук шоирлар ҳар бир мисрани бирор шеърий санъат асосига қурадилар, баъзан бир байтда бир неча санъатлар биргаликда зуҳур бўлади. Шеърий санъатлар фикрни гўзал ва таъсирчан ифодалаш воситаси. Бинобарин, санъат қанча кўп ва маҳорат билан қўлланилган бўлса, шеър шунчалик бадиий юксак ва мукаммал бўлади, унинг таъсир кучи ҳам кучли бўлади. Бу борада ўзбек адабиётда Алишер Навоийнинг олдига тушадиган сўз устаси йўқ: шоирнинг бадиий санъатлардан ҳоли бирор мисраси йўққина эмас, балки кўпинча бир байтида бир неча санъатлар қўлланади. Гадоийнинг гўзал ва содда шеърияти эса кўпинча оҳорли ташбеҳлар, бир қадар машҳур ва осон санъатлар – талмеҳ, ирсоли масал, тазод, лаффу нашр, таносуб, иқтибос ва бошқаларга бойлиги билан ажралиб туради. Шоир ирсоли масал санъатини юзага келтиришда кўпроқ халқ оғзаки ижодига мурожаат қилса, талмеҳ санъатини қўллашда диний сўз ва тушунчалар, қисса ва ривоятлар, пайғамбарлар ва саҳобалар билан боғлиқ воқеаларга таянади. Чунончи:

**Ул лаъли нўшнинг қошида, эй Хизр суйи,**
**Зулматга кир, ўлум қароким, шармсорсен.**

Маълумки, Хизр ер ости – зулмат ичидан обиҳаёт чашмасини топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга эришган пайғамбар сифатида Шарқ адабиётида кенг ва чуқур ишланган. Шоир бундан ўз поэтик мақсади йўлида фойдаланади: Эй хизр суйи бўлган оби ҳаёт, маъшуқамнинг лаби суви олдида сенинг ҳеч қанча қадринг йўқ, бас, шарманда бўлиб, ўзингнинг зулматингга кириб яширин.

Бу байтда қаторасига уч бадиий санъат ишлатилганлигини кўрамиз: Хизр суйига ишора қилиниши – талмеҳ бўлса, Хизр суйи ва маъшуқа лаби сувининг ўзаро зид қўйилишида тазод санъати мавжуд. Айни пайтда, маъшуқа лаби сувининг оби ҳаётдан устун қўйилишида муболаға санъати қўлланганлигини кўрамиз.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

## «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

# БУ БАРЧАНИ ҚИЗИҚТИРАДИ

### Саволингизга Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг раиси Нормат Абдуллаев жавоб беради

***Савол: меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.***

**Жонигул ТОЖИЕВА,**
**Хоразм вилояти**

**Жавоб:** Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ишга тиклаш ҳақидаги низо бўйича ариза ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида бевосита судга берилади.

Меҳнат Кодексининг 270-моддасида белгиланган муддатлар прокурор касаба уюшма қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан бериладиган даъволарга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, суд даъвони рад этади. Меҳнат шартномасининг бекор қилинишига унинг муддати тугаши кунида, шунингдек, шартномадаги муддатнинг охирги ҳафтаси мобайнида йўл қўйилади.

Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга давом эттирилган, деб ҳисобланади.

Агар иш берувчи билан ходим ўртасида муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса, тарафлар келишувига биноан муддат тугамасдан иккала томон ташаббуси билан бу шартнома бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган бўлса тарафларнинг устама (қўшимча ҳақ) тўлаши ҳақидаги ўзаро мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин. Тарафлардан бири устама тўлашдан бош тортса, уни ундириш суд тартибида амалга оширилади.

Муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин айбли хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган асослар бўйича иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинган бўлса, иш берувчи ходимга қўшимча ҳақ тўлайди. Агар меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинса у бу харажатни тўлашдан озод қилинади.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлар бир-бирини ёзма равишда уч кун олдин огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Огоҳлантириш муддатини қисқартиришликка фақат тарафлар келишувига кўра йўл қўйилади.

Меҳнат шартномасини бекор қилишга фақат ходимнинг ёзма аризаси асос бўлади. У ҳақиқатан унинг меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисидаги хоҳиш-истагини намоён этиши лозим. Бунда ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келган сабаблар аҳамиятга эга эмас.

Қонунда ёки тарафлар келишувига асосан белгиланган огоҳлантириш муддатида ходим ўз аризасини қайтариб олишга ҳақли.

Агар қонунда ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати тугаган бўлсада, меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳақидаги аризаси кучини йўқотади. Шу ариза асосида меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномаси синов муддати давомида ходим ташаббусига кўра бекор қилинаётганда қонунда кўрсатилган ёки тарафлар келишувига кўра белгиланган огоҳлантириш муддати тугагач, ходим ишга чиқмаслик ҳуқуқига эга. Бунда иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни кечиктиришга йўл қўйилмайди. Ходим ўз ташаббуси билан номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳамда муддатли меҳнат шартномасини тугатишдан икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириб бекор қилишга ҳақли.

Бунда ходимнинг шу корхонадаги ишни ҳақиқатан ташлаб кетиш истагини билдирган ёзма аризасига асосан йўл қўйилади.

Меҳнат шартномаси икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагунга қадар иш берувчи ва ходимнинг келишувига кўра ҳам бекор қилиниши мумкин. Қонунда белгиланган ёки тарафлар келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати ўтмасдан, ходимнинг розилигисиз меҳнат муносабатларини бекор қилиш ушбу меҳнат шартномасини тугатишни ғайриқонуний деб топишга ва ходимнинг аввалги ишига тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиришга асос бўлади.

Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида фақат меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳуқуқига эга мансабдор шахсгина огоҳлантириши мумкин.

Иш берувчи огоҳлантириш муддати давомида ходимга ҳафтада ўртача ойликни сақлаган ҳолда бир кундан кам бўлмаган қўшимча беш кун бериб, унга бошқа иш топишга имкон туғдиришга мажбур.

Ходим билан иш берувчининг келишувига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда у огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Жамоа келишуви ёки жамоа шартномаси касаба уюшма қўмитаси ёки ходимнинг бошқа вакиллик органлари олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, иш берувчининг ташаббусига кўра бу органнинг розилигисиз меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Ходим билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра касаба уюшма ёки бошқа вакиллик органининг розилигисиз бекор қилинса, суд шартноманинг бекор қилинганлигини ноқонуний деб топади ва ходимни ишга тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиради.

Агар корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари бузилган ёки меҳнат вазифаларини қўпол равишда бузиш, деб ҳисобланган хатти-ҳаракатлар рўйхати аниқ санаб ўтилмаган бўлса, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

# ТЎЛОВ БАДАЛИ
## эллик фоизга камайтирилди

**Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Мирзачўл туманида боғчалар ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танлов шартига кўра ҳар бир боғча ўз имконияти доирасида болаларни боғчага кўпроқ жалб этиш, соғломлаштириш ишларини мунтазам олиб бориш шарт қилиб қўйилди. Кўрик-танловда биринчи ўринни олган «Мўлдир» боғчасига бир миллион сўмлик мукофот берилди. Иккинчи ўринга «Учқун» боғчаси лойиқ деб топилиб, беш юз минг сўм билан тақдирланди. Иккита учинчи ўрин соҳибларига уч юз минг сўмлик мукофот насиб этди. Мукофотланган боғчалар каттиқ, юмшоқ буюмлар билан жиҳозланди.**

Яна бир ибратли ташаббус: тумандаги мавжуд болалар боғчаларида тарбияланаётганларнинг ота-оналар тўлов бадали 50 фоизга камайтирилди. Бунинг учун боғчаларга маҳсулотлар арзонлаштирилган нархларда бериш йўлга қўйилди. Тумандаги фермер хўжаликлари, ҳомий ташкилотлар саховати эвазига бу ишлар амалга оширилаяпти.

– Адолатли баҳо, ўринли рағбат ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш муваффақият гаровидир, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Оқилбек Ёдгоров. – Масалан, фан олимпиадасида ғолиб бўлган мактаб жамоасига 1 комплект (жамланма) компьютер совға қилинади. Ёки фан олимпиадасида ғолиб бўлган ўқувчи ва фан ўқитувчисининг ҳар бирига 100 минг сўмдан пул мукофоти таъсис этилган. Ана шундай мукофотга Ю.Гагарин номли 10-мактаб жамоаси, шу мактабнинг 11-синф ўқувчиси Мавура Отабоева ҳамда қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулнора Маънирбоевалар сазовор бўлишди. Мавура Отабоева қозоқ тили ва адабиёти фан олимпиадасининг республика босқичида фахрли 2 ўринни олиб, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти талабасига айланди.

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда туманда етарли тажриба тўпланган. Бу ишни белгиланган муддатда ва ҳажмда бажаришни халқ таълими ходимлари ҳомийлар кўмагида адо этишмоқда. Ўтган йили ҳокимлик аралашуви билан мавжуд 20 та мактаб биносидан 18 тасининг томи шифер билан ёпилди.

Бу йил туманда 1038 нафар ўқувчи 9-синфни битирди. 342 нафар ўқувчи эса 11-синфни тугатиб, мустақил ҳаёт остонасига қадам қўймоқда. Уларнинг тақдирини ҳам ўйлаш керак. Тумандаги иккита коллежда очиқ эшиклар куни ўтказилиб, битирувчиларнинг барчаси таклиф этилди.

– Ҳокимимиз болажон раҳбар, – дейди мактаб директори Ўроқбой Эргашев. – Қайси қишлоққа борса, албатта, мактабга киради. Унинг муаммоларини суриштиради. Таъмирлашми, дарслик таъминотими, кадрлар масаласими, барчасида кўмак беради.

Ҳозир бир вақтлардагидек қишлоқ мактабига ёрдам берадиган ширкат хўжаликлари йўқ. Уларнинг ўрнида эса юзлаб фермерлар ишлаяпти. Мактабда ҳам шу фермерларнинг, улардаги ишчиларнинг фарзандлари таҳсил олишади. Демак, мактабга ёрдам бериш учун ҳам биринчи ўринда фермер бурчли. Таълим тизимига баҳоли қудрат ёрдам берадиган саховатли инсонлар ва ташкилотлар тобора кўпаймоқда. Шулардан бири – Жиззах шаҳридаги пластмасса заводи жамоасидир. Яқинда улар ўзларида ишлаб чиқарилаётган пластмасса идишлари – челак, лаган, 60 литр сиғимли сув идишларини тумандаги боғчаларга совға қилишди. 600 минг сўмлик саховат ёрдами кичкинтойларга олам-олам қувонч бахш этди.



**Н.БЎРИЕВ**

**Суратда: Жиззах пластмасса заводи совғаларини топшириш пайти.**

*Ибрат*

---

*«Ишонч» бонг уради*

# ОНА ТАБИАТ КЎМАККА МУҲТОЖ

**Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш кучайгани сайин атмосфера ҳавоси, ер ва сув манбаларининг ифлосланиши ортиб бормоқда. Атроф муҳитни ҳимоя қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш глобал даражага кўтарилди. Конституциямизнинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» дейилган. 55-моддада эса «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб кўрсатилган. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда бу борада ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топган.**

Хоразм вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур қонун талаблари бажарилишини ўрганиш мақсадида жойларда 85 та текширув ўтказди. Натижада 350 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 2,2 миллион сўмлик жарима белгиланди. Табиатга етказилган зарар учун 4 нафар шахсга нисбатан даъво қўзғатилди ва улардан 1,2 миллион сўм ундириб олинди.

Лаборатория усулида 101 та объект таҳлил қилинганда, 27 тасида зарарли чиқиндилар рухсат этилган меъёрий кўрсаткичлардан ошиши ҳолатлари содир бўлганлиги кузатилиб, зарурий чоралар кўрилди.

Хоразм воҳасининг ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот олами, табиий бойликлари азалдан дунё аҳлини ўзига мафтун этиб келган. Собиқ иттифоқ даврида табиатдан очкўзларча фойдаланиш оқибатида минглаб гектар ўрмонлар кесилиб кетди. Ҳаво ифлосланиб, ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Яқин ўтмишда Хоразмда юздан ортиқ ёввойи ҳайвонлар яшаган. Турон йўлбарси деб номланган йиртқич Амударё тўқайларида жуда машҳур бўлган. Унинг энг охирги вакили ярим аср муқаддам саёқ овчи томонидан отиб ўлдирилган. Шунингдек, тўнғиз, кийик, қоплон, ёввойи мушук каби жониворлар кейинги йилларда қирилиб кетди. Қушларнинг турлари ҳам камайган.

Вилоят кўллари ва уларга қуйиладиган канал сувларида балиқларнинг айрим турлари йўқолиш арафасида турибди. Обулкўл, Зейкўл, Балиқ қирилган ва Назаркўл деб аталган кўлларга йиллаб сув қуйилмаганлиги боис қурий бошлаган.

Кейинги йилларда ўртача ҳаво ҳароратининг ошиб бориши ер ости сизот сувлари сатҳи кўтарилишини кучайтирмоқда. Маълумотларга қараганда, кескин чоралар кўрилмаса, 2050-2080 йилларга бориб 35-45 фоиз маданий ерлар чўлга айланиб кетиши хавфи мавжуд. Хоразм ерларининг ҳар гектарига шамол йилига ўртача 450-550 килограмм тузли чангларни учириб келтирмоқда. Бу рақамни Амударё суви таркибидаги туз миқдори билан қўшиб ҳисобласак, кескин вазият юзага келганлигининг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, вилоят аҳолиси ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини Амударё орқали қондиради. Бу шамол орқали учиб келаётган Орол тузларидан ташқари дарёнинг юқори қисмида жойлашган вилоятларда ҳосил бўлган оқава сувларнинг оқизилишидан ифлосланади. Тозалаш иншоотлари уни тўла тозалаб бера олмайди. Шу туфайли Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси ўртасида касалланиш даражаси анча баланд. Бундан ўн йил муқаддам Амударёнинг ўнг ва чап қирғоқ зовурларини қазиш ишлари лойиҳа асосида бошланиб, маблағ етишмаслиги сабабли тўхтаб қолган эди. Бу хайрли ишни давом эттириш фурсати етди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида қабул қилинган вилоят дастурига биноан экологияга доир бир қанча муҳим ишлар амалга оширилиши керак эди. Шулардан бири «Экотранснназорат» пункти лойиҳа ҳужжатлари аллақачон тайёр бўлишига қарамай вилоят ички ишлар бошқармаси бу юмушни бажариш чора-тадбирларини кўрмаяпти.

Дастурда бажарилиши белгиланган Тупроққалъа массивидаги пестицид қолдиқларини консервациялаш иншоотларини зарарсизлантириш ишлари «Хоразмқишлоқхўжаликкимё» акционерлик бирлашмаси томонидан охирига етказилмасдан, жорий йилги вазифалар қаторига киритилмай қолиб кетди. Шунингдек, қуйи Амударё ирригация тармоқлари ҳавза бошқармаси Амударёнинг чап қирғоғидаги муҳофаза қилиш ҳудудларини белгилашга доир ишларни чала қолдирди. «Хоразм балиқ» акционерлик жамияти табиий кўлларда мелиорация ишларини амалга ошириш ва балиқларни асраш бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида ҳеч қандай иш қилмаганлигига нима дейсиз?

Вилоятда чиқиндиларни жойлаштириш борасида ҳам жиддий муаммолар бор. Туманлар ҳудудида чиқиндиларни жойлаштирадиган махсус жойлар ташкил қилинмаган. Жумладан, Урганч ва Хива шаҳарлари, барча туманлар марказларида масъулияти чекланган санитария-тозалаш идораларида техника етишмаганидан бир неча ҳафталаб ахлатлар уюлиб ётади. Айниқса, бу ёзнинг иссиқ кунларида кишилар саломатлигига хавф туғдирмай қолмайди.

Амалдаги йилнинг шу кунигача атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштиргани учун 184 та юридик шахсга 24,2 миллион сўмлик тўлов пуллари ҳисоб-китоб қилиниб, шундан 9 миллион сўми ундирилди. Бу маблағ экологияни яхшилашга сарфланади.

Экологик муаммоларнинг олдини олиш эл соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун кишилар ўртасида тарғибот-ташвиқот тадбирларини кучайтирган ҳолда экологик маданиятни шакллантириш талаб этилади.

**Э. ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

## ЯНА БИР ДАРСЛИК

**Мустақиллик йилларида диншунослик соҳаси бўйича қатор тадқиқотларга қўл урилди.**

Бундай изланишлар самараси ўлароқ «Диншунослик» деб номланган дарслик юзага келди. «Меҳнат» нашриёти томонидан босмага тайёрланган мазкур ўқув адабиёти ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бир гуруҳ шарқшунос олимлар муаллифлигида тақдим этилган ушбу дарсликда динлар моҳияти ва тарихи атрофлича ёритилган.

Унда диний экстремизм ва фундаментализм оқимлари ҳақида ҳам тушунчалар берилган.

## ИНСТИТУТДА ЎҚУВ МАРКАЗИ

**Республикамизда ипакчилик саноати кенг ривожланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон ипакчилик илмий текшириш институтининг тутган ўрни катта, албатта.**

Кейинги йилларда мазкур илмий муассасанинг фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди. Мутахассис кадрлар тайёрлаш учун мустаҳкам илмий негиз яратилди.

Бундай истиқболли йўналишни кенг йўлга қўйиш мақсадида институтда ўқув маркази ташкил этилди. Ипакчилик саноати технологияси, меҳнатни ташкил этишга доир билимлар бўйича машғулотлар олиб борилаётир.

Бу эса келгусида ипакчилик саноати корхоналари учун кўплаб малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим негиз бўлиб хизмат қилади.

**А.АЛИЕВ**

---

*2005 йил Сиҳат-саломатлик йили*

# ШИРИН МУОМАЛА
## энг яхши дори-дармон

**Бордию шифохонага тушиб қолиб, у ердаги вазиятга эътибор берсангиз, Сизда беихтиёр икки муолажа дилеммаси пайдо бўлади. Ҳолат ва муомала. Энг аввало дори-дармон, табобат жараёни, албатта!**

Аллома Конфуций даволанишнинг илк натижаси шифокор сўзи, қудрати, деган экан. Одамлар илиқ, самимий муомалага чанқоқ бир пайтда – бу зарур, албатта. Яхши муомаладан сўнг, дори-дармон ўз таъсирини кўрсатмай иложи йўқ.

Яқинда шаҳримиз марказий шифохонаси 3-жарроҳлик бўлимида бўлдим. Ҳали керакли одамларни топиб улгурмасимдан илк тасаввур уйғонди. Нуроний, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Александр Федорович бутун манзарани очиб ташлагандек бўлди. Қўллари оҳиста, ўта назокат билан боғланган бемор ўз миннатдорчилигини шундай изҳор этди:

– Самимиятни София Самидиновнадан ўрганиш керак. Бўлим бошлиғи Неъмат дўхтирга гап йўқ. Шундай медицинамиз, нажоткорларимиз борлигидан бошим осмонга етди.

Мен бўлимдаги беморларнинг даволаниш жараёни ўз маромида эканлигини бир зумда сездим. Аслида ҳам шундай бўлиши керак-да.

– Ҳаммаси озодалик ва осойишталикдан бошланади, – дейди олий тоифали шифокор, бўлим раҳбари Н. Шокирхонов.

Дарҳақиқат, ўз вақтида Абу Али ибн Сино шундай деган эди: “Жарроҳлик – мураккаб табобат илми. Унинг ҳар сониясида, ҳар ҳолати зукколик ва озодаликни талаб қилади. Ҳамма ҳам бу ҳунарни эгаллайвермайди”. Зеро, томчида денгиз акс этади, деганларидек, бўлим фаолияти шифохона ҳақида бироз тасаввур ҳосил қилди ҳам...

Ангрен шаҳри Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган. Бу ерда ўзига хос, ниҳоятда замонавий, айниқса, тез ёрдам шифохонасини янада кенгайтириш зарур. Боиси инсон ва унинг саломатлиги биринчи галдаги вазифа.

Таклиф ва мулоҳазалар дафтарига разм соламан.

Унда ногиронлар Наталья Гизатулина, Шарофат Хўжаева, нефтбаза ходими Нусратилла Соҳибов, прокуратура вакили Лутфуллахон Ҳошимов ва бошқаларнинг дил сўзлари ва самимий тилаклари баён қилинган.

Олий тоифали ҳамшира София Ниязова 34 йилдан буён шу бўлимда ишлайди. Умрини, бутун билим ва тажрибасини одамларга бахш этган ажойиб инсон. Тошкентда малака ошириб, шаҳарда биринчилардан бўлиб олий тоифали ҳамшира деган шарафга эришган ҳам шу аёл.

Бундайлар ҳеч қачон эл назаридан қолмайди.

**К.НОРМАТОВ**

---

# "ТУРОН" ФИНАЛДА

**Шаҳрисабз шаҳрида маҳалла ўсмирлари ўртасидаги «Футболимиз келажаги» анъанавий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи якунланди.**

Унинг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги финал учрашувида Шаҳрисабзнинг «Турон» ҳамда Қарши шаҳрининг «Пахтазор» маҳалласи ёшлари ўзаро куч синашди.

Муросасиз баҳсда шаҳрисабзлик ёш футболчилар 4:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Ғолиблар Термизга - мусобақанинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

**(ЎзА)**

---

# ФУТБОЛ ЖОЗИБАСИ

Пешку туманида 11-12 ёшли болалар ўртасида «Футболимиз келажаги» республика турнирининг вилоят босқичи якунланди.

Мусобақа финалида Вобкент туманининг «Қурувчи» жамоасини 3:2 ҳисобида мағлуб этган Бухоро шаҳридаги «Шайхул олам» маҳалласи болалари турнирнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

---



---

*Эшитдингизми, ўқидингизми?*

# МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОА
## бош мураббий изламоқда

**Миллий терма жамоамизни олдинда ғоятда масъулиятли учрашув кутиб турибди. Футболчиларимиз 17 август куни Марказий “Пахтакор” стадионида Қувайт терма жамоасига қарши майдонга тушади. Агар ҳамюртларимиз ушбу ўйинда зафар қучишса, 2006 йилги жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг плей-офф босқичи йўлланмасини қўлга киритишади.**

Айни пайтда миллий терма жамоамиз аъзолари тайёргарлик йиғинларида иштирок этишяпти. Хабарингиз бўлса, йиғиннинг иккинчи босқичини Москвада давом эттириш, у ерда маҳаллий клублардан бири билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиш режалаштирилган эди. Бироқ, бу режа амалга ошмайдиган кўринади. Сабаби, терма жамоамизнинг асосий ўйинчилари ҳисобланган Бахтиёр Ашурматов, Асрор Алиқулов, Илдор Магдеев, Тимур Копадзе, Владислав Кирьян ва Алексей Николаевлар турли даражада жароҳатланишган ва ўз-ўзидан, улар Москвада ўтиши лозим бўлган йиғинда иштирок этишолмайди. Демак, асосий таркиб футболчиларисиз ўтажак йиғиндан ҳеч қандай наф йўқ. Шуни ҳисобга олган футболимиз мутасаддилари Тошкентдаги йиғинни 31 июлгача давом эттиришни мақбул деб топишди. Шундан кейин футболчилар бир ҳафта давомида ўз клублари ихтиёрида бўладилар. Навбатдаги йиғинга барча легионерларимиз таклиф этилади.

Миллий терма жамоамизга боғлиқ яна бир янгилик. ЎФФ термамизга бош мураббий сифатида хориждан тажрибали мутахассис жалб қилмоқчи. Ушбу йўналишда изланишлар давом этмоқда.

**Гулноза ҚУЛБЕКОВА**

---

# ИШОНЧ-ИНСОНГА ҚАНОТ

**Инсон омилига кўп нарса боғлиқ. Шу боис вакиллигимиз ўзининг «Сиҳат-саломатлик йили» Дастури тадбирларини ишлаб чиқиб, унинг бажарилиши юзасидан назорат китоби ташкил этди.**

Мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қатор ишлар амалга оширилди. Шу кунга қадар кам таъминланган соҳа ходимлари аризаларига биноан 94 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. «Сиҳат-саломатлик йили» Дастури тадбирларида фаол иштироки учун касаба уюшма фаолларининг 10 нафари 156 минг 400 сўм миқдорида рағбатлантирилди. Туман вакиллигида кам таъминланган педагог ходимлар, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналмилалчи жангчилар, чернобилчилар, ногирон ва бемор ётган касаба уюшма аъзолари, шунингдек, чин етимлар ва ногирон болалар рўйхатга олиниб, уларни мунтазам равишда рағбатлантириш йўлга қўйилди. Шу йилнинг олти ойи мобайнида 30 нафар беморнинг кўнгли сўралди, 15 нафар ногирон, чернобилчилар ва байналмилалчи жангчиларга моддий ёрдам кўрсатилди. 6 нафар педагог ходимнинг ногирон фарзандларига 30 000 сўмлик озиқ-овқат пакетлари тақдим этилди.

Ўтган давр мобайнида таълим тизимининг 11 нафар ходими «Ботаника», «Ибн Сино» оромгоҳларида ўз соғлиқларини тиклаб қайтишди. 3 нафари таълим ходимлари касаба уюшма маблағи ҳисобидан Самарқанд шаҳрининг қадамжоларини зиёрат қилиб қайтди. Ёзги дам олишни ташкил этиш касаба уюшмасининг диққат марказида турибди. Педагог ходимларнинг 100 нафар фарзанди туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби негизида ташкил этилган марказлаштирилган оромгоҳда дам олдирилди. Оромгоҳ спорт мактаби қошида ташкил этилганлиги учун болалар спортнинг бадиий гимнастика, теннис, кураш, волейбол ва футбол турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

Ходимларни соғломлаштиришда спорт тадбирларининг аҳамияти катта. Шундан келиб чиққан ҳолда туман вакиллиги ўқитувчиларининг анъанавий спартакиадасини ўтказди. Унда спортнинг бир қатор турлари бўйича 30 дан ортиқ мактабларнинг спорт жамоалари беллашди. Волейбол ва стол тенниси бўйича 47-мактаб, шоҳмот бўйича 5-мактаб, армрестлинг бўйича БЎСМ жамоалари ғолиб бўлдилар. Умумжамоа ҳисобида 47-мактаб жамоаси ғалаба қозонди.

**Ф.ҲАМДАМОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари Сурхондарё вилоят касаба уюшма Кенгашининг Бойсун туман вакили**

*Жараён*

---

*Истиқлол берган имкон*

# САНЪАТГА ОШУФТА КЎНГИЛ

**Мамлакатимизда истиқлол йиллари барча соҳада бўлгани сингари санъатга ҳам эътибор ортди. Буни Жиззах санъат коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Авваллари бир чеккада, пастқам ва кўримсиз бинода жойлашган ўқув биноси бундан икки йил аввал шаҳарнинг қоқ марказида замонавий типда қурилган, шинам ва кўркам бинога кўчиб ўтди. Ўқув машғулотлари учун барча шароитлар муҳайё қилинди.

Эътиборли жиҳати, мустақиллик туфайли ўқув машғулотларида миллийлик ривожланди. Илгари ҳар олти ойда бир бора ўқувчи билими аттестация қилинганда тўртта синовнинг учтасини Ғарбий Европа ва рус композиторлари асарлари ташкил этарди. Бу ўқувчи миллий руҳига таъсир қилибгина қолмай, унинг келгуси иш фаолиятида ҳам асоратини кўрсатарди.

Эндиликда бунга тўлиқ барҳам берилиб, авваллари ҳатто тушга ҳам кирмаган анъанавий ижрочилик йўналишлари – ҳофизлик, чолғу ижрочилари бўлимлари очилди.

Фаолиятимизда салкам унутилаётган мақом, шашмақом, Фарғона, Тошкент мақомларини ўрганиш тикланди. Коллежимизда 5 та кафедра бўлиб, 12 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Жорий ўқув йилида 88 нафар ўқувчи битириб, ҳаётга йўлланма олди. Ўқитувчиларнинг 2 нафари фан номзоди, 32 нафари тоифали ўқитувчилардир. З.Низомиддинов, Р.Раҳимов, И.Абдураҳимов, А.Очилов сингари изланувчан, янгиликка интилувчи педагогларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларида жамоамиз ёш рассомлари ўз асарлари билан қатнашиб, иштирокчилар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Хусусан Жиззах, Андижон, Чирчиқ шаҳарларида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида фахрли ўринларни қўлга киритдик.

Мустақиллик йилларида миллий эстрада (чолғу, ҳофизлик), драма актёрлиги, мусиқа назарияси, хор дирижёрлиги, махсус фортепьяно, академик хонандалик сингари янги йўналишлар очилиб, фаолият кўрсатмоқдаки, буларга ёшларимизнинг қизиқишлари тобора ортиб бораётгани кишида ифтихор ҳисларини уйғотади.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашга йўналтирилган барча омиллар жамоамизга ҳам бирдек дахлдор эканлигидан мамнунмиз.

**Нарзулла ТОШТЕМИРОВ,**
**санъатшунослик фанлари номзоди**

---

# ИСПАН ТИЛИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА

Бугунги кунда республикамизда умумтаълим мактабларида чет тили сифатида испан тилидан ҳам машғулотлар олиб борилмоқда. Ушбу нуфузли тилдан дарс бераётган педагог-ўқитувчилар ва ўқувчиларни ўқув адабиётлари билан қуроллантириш борасида ҳам самарали изланишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон республикаси таълим маркази чет тиллар бўлими эса испан тили учун 5-9– синфларга мўлжалланган ўқув дастури ишлаб чиқди.

Ушбу дастур асосида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллар университети олимлари испан тили дарслиги устида иш олиб бормоқда.

# МУЗЕЙНИНГ ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган миллий чолғу асбоблари музейи экспонатларга бой. Чет мамлакатлардан келтирилган турли созлар намуналари билан ҳам шу ерда танишиш мумкин.

Шу кунларда музей экспозициясини кенгайтириш тадбирлари кўрилмоқда.«Ноёб созлар»деб номланган мазкур янги бўлим замонавий чолғу асбоблар намуналари билан ҳам бойитилади.

Бунинг учун Республика Фан ва технологиялар маркази алоҳида грант ажратди.

**Л.ҚОБИЛОВА**

---

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г– 616 1 2 3 4 5 6